



Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2019 йил 2 апрель, № 63 (7293)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИГА ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ ТАШРИФ ЯКУНИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КЕЛИШУВ ВА БИТИМЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА АСОСИЙ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ БЕРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 1 апрель кунини ўтган ҳафта Бирлашган Араб Амирликларига расмий ташриф доирасида эришилган келишув ва битимларни амалга ошириш масалаларига бағишланган йилгилиш ўтказди.

Аввал хабар қилинганидек, давлатимиз раҳбари Абу-Даби ва Дубай шаҳарларида Абу-Даби Амирлиги валиаҳди, Бирлашган Араб Амирликлари Қуролли Қучлари Олий Бош Қўмондони ўринбосари шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳён, БАА Вице-президенти, Бош вазир, Дубай амири шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум ҳамда ушбу мамлакат ҳукумати аъзолари ва қатор етакчи компаниялари раҳбарлари билан самарали учрашув ва музокаралар ўтказди.

Икки томонлама тadbирлар якунида Қўшма баёнот ҳамда қатор муҳим келишувлар, жумладан, умумий қиймати 10 миллиард доллардан зиёд бўлган истиқболли инвестиция лойиҳалари ва дастурларини амалга ошириш бўйича битимлар имзоланди.

Ушбу келишувлар инновациялар, нефть-газ тармоғи, анъанавий ва муқобил энергетика, замонавий инфратузилмани ривожлантириш, транспорт ва логистика, қишлоқ хўжалиги, туризм, таълим каби ўзаро ҳамкорликнинг устувор йўналишларини қамраб олган.

Таъкидлаш жоизки, ташриф давомида БААнинг олий даражадаги раҳбарияти Ўзбекистонда амалга оширилаётган тўб ислохотлар ва янгиланишларни бир неча бор эътироф этиб, уларни тўлиқ қўллаб-қувватлади. Амирликлар ишбилармон доиралари мамлакатимизга тобора катта қизиқиш билдираётгани Ўзбекистонга ишонч ортиб бораётганидан далolat беради.

Йилгилишда Президентимиз эришилган келишувларнинг ўз вақтида ва сўзсиз ижросини таъминлаш лозимлигини қайд этиб, қабул қилинган "Йўл харитаси"ни амалга оширишни самарали усул ва механизмларни жорий этган ҳолда дарҳол бошлаш муҳим эканини таъкидлади.

БААнинг етакчи компания ва ташкилотлари билан биргаликда амалга оширилаётган устувор қўшма лойиҳалар сифатида "Навоий" куруқлик порти ва эркин иқтисодий зонасини ривожлантириш, мамлакатимизда углеводородлар қазиб олишни кўпайтириш ва уларни чўқур қайта ишлаш, Толлимаржон иссиқлик электр станцияси ва бошқа ИЭСларни модернизация қилиш ва кенгайтириш, қуёш ва шамол электр станцияларини, Сирдарё вилоятида аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш заводини барпо этиш ва бошқалар белгиланди.

Бундан ташқари, агросаноат кластерларини ташкил этиш ва мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги экспорт салоҳиятини юксалтириш, Самарқанд шаҳрида туризм ва коммунал инфратузилмани, ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, тadbиркорлик ташаббусларини, жумладан, Абу-Даби тараққиёт фонди иштирокида таъсис этилаётган низом жамғармаси 1 миллиард доллар бўлган инвестиция компанияси маблағларини жалб этган ҳолда қўллаб-қувватлаш масалалари кўриб чиқилди.

Юқори малакали мутахассислар ташаббуслари соҳасидаги шериклини кенгайтириш, "Масдар" компанияси ва Ал Халифа университети билан кўп қиррали ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ВЕТЕРИНАРИЯ ВА ЧОРВАЧИЛИК СОҲАСИДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда чорва моллари ва паррандалар бош сонини барқарор оширишни таъминлаш, ветеринария назоратини кучайтириш ва ветеринария сервис сифатини ошириш, хайвонларнинг соғлиғини ҳимоя қилиш бўйича самарали ишларни ташкил этиш, эпизоотик осойишталик ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, чорва молларининг наслини яхшилаш, озуқа базасини мустаҳкамлаш, наслчилик йўналишидаги чорвачилик хўжаликлари фаолиятини ҳамда чорвачилик маҳсулотларини етиштиришда йирик тadbиркорлик субъектлари кўпайтирилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш талаб этилмоқда.

Республикада наслчилик-селекция ишларини юриштиринг илмий асосланган инновацион услубларини жорий этиш, сунъий урулантириш ишларини тизимли ташкил этиш, қишлоқ хўжалиги хайвонлари орасидаги эпизоотик осойишталик ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси этиб қайта ташкил этилсин ва куйидагилар унинг асосий вазифалари сифатида белгилансин: ветеринария, чорвачилик ва наслчилик соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, ушбу соҳада давлат, хўжалик бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ўзаро ҳамкорлигини мувофиқлаштириш, ветеринария фаолиятини лицензиялашни амалга ошириш;

ветеринария соҳаси ва чорвачиликнинг барча тармоқларини, шу жумладан, қорамолчилик, қўйчилик, қорақўлчилик, эчкичилик, йилқиччилик, паррандачилик, балиқчилик, асалариччилик ва кўенчиликни ривожлантириш, наслчилик-селекция ишларини мувофиқлаштириш ҳамда ушбу йўналишлар бўйича мақсадли давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

мамлакат ҳудудларини хайвонларнинг юқумли касалликлари кириб келишидан ҳимоя қилишни таъминлаш, амалиётга хайвонларни даволашнинг ва профилактикасининг замонавий усулларини жорий этиш, маҳаллий ва хорижий фан ютуқларини таъбиқ этиш асосида ветеринария дори воситаларининг янги турлари ва шакллари ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

эпизоотик осойишталикни таъминлашда хайвонларнинг юқумли касалликларини ўз вақтида аниқлаш, ташхис қўйиш ва тарқалишининг олдини олишга доир профилактика ишларининг самарадорлигини мониторинг қилиш;

чорвачилик ва наслчилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ягона механизмларини амалга ошириш, чорвачилик хўжаликлари озуқа етиштириш учун ажратилган ер майдонларида чорва озуқа экинларини жойлаштиришни ташкил этиш ҳамда юқори ҳосилдорликка эришишни мониторинг қилиш;

чорвачилик тармоқларида хайвонларни идентификация қилиш, уларни ҳисобга олиш, ҳисобдан чиқариш ва сақлаш ишларини ташкил этиш, қишлоқ хўжалиги хайвонларини зоти бўйича районлаштириш;

ветеринария ва наслчилик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши ҳамда ветеринария дори воситалари ва озуқабоқ қўшимчаларнинг сифати ва муомаласи юзасидан давлат назоратини амалга ошириш;

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВЕТЕРИНАРИЯ ВА ЧОРВАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 мартдаги "Ветеринария ва чорвачилик соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5696-сонли Фармони ижроси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини самарали ташкил этишни таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар: Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ; Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси тизимига кирувчи ташкилотлар рўйхати 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг бошқаруви ходимлари чекланган сон 63 нафардан иборат бўлган марказий аппарати тузилмаси 3-иловага мувофиқ; Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси тузилмаси, вилоятлар ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаларининг намунавий тузилмалари 4 ва 5-илваларига мувофиқ;

Тошкент шаҳар ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармасининг тузилмаси ва унинг тузилмасига кирувчи муассасалар рўйхати 6-7-илваларига мувофиқ; туманлар (шаҳарлар) ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлиmlарининг намунавий тузилмалари 8-иловага мувофиқ; Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар туманлари (шаҳарлари) ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлиmlари тузилмасига кирувчи муассасалар рўйхати 9-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ҳузуридаги "Ўзбекчорванаси" агентлигининг ташкилий тузилмаси 10-иловага мувофиқ; Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ҳузуридаги "Ўзбекчорванаси" агентлигининг ташкилий тузилмаси 10-иловага мувофиқ;

(Давоми 2-бетда).

Биз ва жаҳон

АҚШ жамоатчилиги: «Шавкат Мирзиёев танлаган йўл минтақа сиёсий муҳитига янги руҳ бахш этди»

Яқинда Ўзбекистоннинг Вашингтондаги элчихонаси ташаббуси билан Марказий Осиё давлатлари ва Афғонистон элчиларининг ўзаро ҳамкорликдаги биринчи қўшма брифинги ташкил этилди. Эътиборлиси, ушбу тadbирга дунёдаги энг йирик юридик фирма ҳисобланган ва айни пайтда юртимизда ҳам ўз фаолиятини олиб бораётган "Baker McKenzie"нинг маъмурий қароргоҳи мезбонлик қилди.

Мазкур форум Марказий Осиёдаги минтақавийлашув жараёнлари ҳақида тушуنча бериш, минтақа савдо-иқтисодий ва инвестициявий салоҳияти ҳақида маълумотлар етказиш, Америка бизнес жамоатчилигини Марказий Осиёга жалб этиш мақсадида ўтказилди.

Тadbирда АҚШ Президентининг маъмурияти, Давлат департаменти, Савдо вазирлиги, Пентагон мутасаддилари, Америка Қўшма Штатларининг Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID), Хусусий хориж инвестициялари корпорацияси (ОРИС), Жаҳон банки, ОТЕ, БМТТД каби халқаро тузилмалар, "Boeing", "Chevrolet", "BP", "EvoxonMobil", "GE" компаниялари, океанортидаги етакчи "ақл марказлари", ОАВ вакиллари қатнашди.

Брифингнинг АҚШ Президентининг маслахатчиси ўринбосари, Миллий хавфсизлик кенгашининг Жанубий ва Марказий Осиё бўйича катта директори Лиза Кёртис очиб берар экан, Марказий Осиёдаги минтақавий ҳамкорликни чуқурлаштириш бўйича олиб борилаётган саъй-ҳаракатларга юқори баҳо берди.

У минтақадаги аҳолиси энг кўп мамлакат раҳбари, Президент Шавкат Мирзиёев шарофати билан Марказий Осиёдаги вазият тубдан ўзгарганини эътироф этди. "Айнан Шавкат Мирзиёев танлаган йўл минтақа сиёсий муҳитига янги руҳ бахш этди", деди у.

3

3

3

3

3

КИТОБСИЗ КЕЛАЖАК ЙЎҚ



2 апрель — Халқаро болалар китоби куни

Президентимиз ташаббуси билан республикада китобхонликни оммалаштириш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани бутун халқимизнинг руҳини юксалтириш билан бирга, чет эллик ҳамда юртимиз маънавият, маърифат соҳаси мутахассислари, ёзувчи-шоирлар, мамлакатимизда тахсил олаётган хорижлик талабаларда катта эътибор ва қизиқиш уйғотмоқда.

Мухбирларимиз улардан айримларининг фикр-мулоҳазалари билан қизикди.

(4-бетга қаранг).

(4-бетга қаранг).

Дунё нигоҳи

«Ўзбекистонда замонавий фикрлайдиган кадрлар тайёрлашга катта эътибор қаратилмоқда»

Куйайтинг нуфузли "Ас-сияса" газетасида мамлакатимизда диний-маърифий йўналишда олиб борилаётган ислохотларга бағишланган "Ислоҳ меросини сақлаш ва диний бағрикенгликни тарғиб қилишда Ўзбекистоннинг муҳим ўрни" сарлавҳали таҳлилий материал чоп қилинди.

Ушбу мақолани тўлиқ ҳажмда газетамиз ўқувчилари эътиборига ҳавола этмоқдамиз: "Сўнгги икки йил Ўзбекистон ҳаётида катта ўзгаришлар, юксалишларга бой бўлди. Республика раҳбарияти олиб бораётган ички ва ташқи сиёсат узоқ-яқин давлатлар билан дўстона алоқаларни янада яхшилашга хизмат қилмоқда. Иқтисодий-ижтимоий соҳадаги ўзгаришлар одамларнинг турмуш даражаси яхшиланганини таъминлапти. Таълим соҳасидаги янгиликлар ҳам ёшларнинг хурсандчилигига сабаб бўлаётди. Айниқса, диний-маърифий соҳада қатор

ислохотлар амалга оширилмоқдаки, бундан мамлакат аҳолиси ҳам, хорижлик маърифатларини ошонлар ҳам беҳад мамнун бўлаётди.

2

2

2

2

2

2

2

КИТОБСИЗ КЕЛАЖАК ЙЎҚ

Мутолаа тафаккурни бойитади

Уликбек ЭСДАУЛЕТ,
Қозғоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси:

— Адабиёт ва китобхонликни хар томонлама қўллаб-қувватлаш мамлакатнинг илҳомли маънавий ислохотларнинг асосини ташкил этаётгани гоёт ибратлидир.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг ёзувчи-шоирлар, ёш ижодкорларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, китоб нашр этиш ҳамда тарқатиш, китобхонликни кучайтиришга қаратилган фармон ва қарорлари, фармойишлари билан танишман. Ушбу мақсадлар учун катта маблағлар сарфланаётганидан ҳам хабарим бор. Асосийси, улар бугун диверталь мисоли барча маънавий-маърифий жараёни ҳаракатга келтириб юборди. Ҳатто раҳбарлар ҳам китоб ўқишга, илк харфини таниган билим масканини йўқлаб, у ерга ки-



тоб совға қилишга интилоқда. Ёшлар мутолаа завқидан баҳраманд бўлишга, ўз келажagini билим, маърифат асосига қуришга ҳаракат қилишти. Бу тарихий буюк Ўзбекистоннинг келажagini ҳам порлоқ бўлишига ишонччи мустаҳкамлайди.

Анвар ОБИДЖОН,
Ўзбекистон Республикаси халқ шоири:

— Катталар китобни ёкса ўқийди, ёкмаса йўқ. Лекин болалар кўлига китоб тушса, охиригача ўқишга интилади. Агар ушбу асар қизиқтирмаса, китобдан бутунлай кўнгли совийси, иккинчи марта уни кўлга олмаслиги мумкин. Шунинг учун олганда, болалар адибларининг масъулияти жиддий.

Болалар адабиётининг ривожини адибларнинг ўзига боғлиқ. Чунки мамлакатимизда ижодкорлар учун барча имконияти яратилган. Баъзан давраларда ёзувчи болалар даражасига тушмаслиги керак,

аксинча, уларни ўз даражасига кўтариши лозим, деган фикрларни эшитаемиз. Аммо фикримча, адиб навқирон авлодни ўз ортидан эргаштириши учун аввал болалар даражасига тушиши, улар тилини ўрганиши керак, одатлари билан танишиши лозим. Шундагина у жажжи ўқувчилар кўнглини топади, асарлари орқали улар қалбини бойита олади.

Президентимиз томонидан китобхонлик, айниқса, болаларда мутолаа маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор

қаратилётгани, мактаблар кутубхоналарининг сифатли адабиётлар билан бойитиш мақсадида раҳбарларнинг, таниқли инсонларнинг ўзлари ўқиган таълим масканларига китоб совға қилиш аънанаси кенг қулоч ёзганига гувоҳ бўляемиз. Бундан қалбимиз севингча, фахр-ифтихорга тўлпти. Чунки китоб шахсий жавонда сақланса, уни бир одам



ўқийди, дўсти ўқийди, эҳтимол. Лекин кутубхоналарда юзлаб болалар уша китобни мутолаа қилиши, ундаги дуру инжулардан баҳраманд бўлиши мумкин.

Кристофер ФОРТ,
мустақил тадқиқотчи (АҚШ):

— Ўзбекистонда китобхонлик юксак эътиборни бу юртга илк келганимдаёқ адабий давралар, тадбирлар, ижодий учрашувларда сезганман. Китобхонлик масаласининг давлат сиёсати даражасига кўтарилиши, бу бўлмаган. Президент қарор ва фармойишлари эълон қилиниши маънавият, маърифат, санъат ҳамда маданиятни янада ривожлантиришга қаратилган аҳамияти улкан ҳодисадир.



тиришга интилаётгани яқин йилларда янги Берунийлар, Хоразмийлар, Ибн Синолар, Навоийлар, Улуғбекларнинг жаҳон илм-фани, адабиёти саҳнасида ўз сўзини айта бошлашига ишонччи оширади.

Тавус ГЕЛДИНАЗАРОВА,
Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети талабаси (Туркминистон):

— Мен болалигимдан китоб ўқишни яхши кўраман. Бу ерга келиб, ўзбек адибларининг асарлари билан яқиндан танишдим. Ўзбекистонда билим олиш, китоб ўқиш учун барча қулайлик мўжид. Кутубхоналар, ахборот-ресурс марказ-



лари замонавий технологиялар, бадиий ва илмий адабиётлар билан таъминланган. Энг муҳими, ёшлар улар билан мунтазам танишиб боришга, китобхонликка рағбатлантирилмоқда. Дунё ёшлари билан бўйлашишга, улардан-да илгор бўлиш-



Мар БАЙЖИЕВ,
Қирғизистон халқ ёзувчиси:

тобга қизиқтириш, ўқишга меҳр уйғотиш борасида қилинаётган ишлар ниҳоятда ибратли. Сабаби бугунги замонавий ахборот технологиялари китоб ўқини эгаллай олмайди, у сингари хис-туйғу, ҳаяжон, эстетик завқ бера олмайди. Андижон вилоятида бўлганимда, бепул кутубхоналар ташкил этилганлиги, улар шаҳар кўчаларида исталган ўқувчиларга хизмат қилаётганлиги эътиборимни тортиди. Бундай хайрли ташаббусдан ибрат олса эрийди.

Ўзбек замани буюк инсонларни воёга етказган, камол топтирган ва дунёга машҳур қилган. Бунинг туб замирида ҳам китобга бўлган муносабат муҳимдир. Мен ишонман, бундан буён ўзбек халқи буюк ишларга асос солади. Чунки мутолаа қилган халқ, албатта, юзага чиқади, жаҳонда ўз сўзини айтади.



Алмас УЛВИ,
Озарбайжон Миллий илмлар академияси Низомий Ганжавий номидаги Адабиёт институти Озарбайжон — Ўзбекистон — Туркманистон адабий алоқалари бўлими бошлиғи:

— Ўзбекистонда китоб ва китобхонликка давлат сиёсати даражасида берилётган эътибор таҳсинга сазовор.

Тарихини ўрганиш, келажакка теран назар ташлашда китоблар муҳим аҳамиятга эга. Китоблар — сирли хазина. Бу хазинанинг ашиқларини очиб учун уларни ўрганиш ва ўқиш керак. Севган асарларим, хусусан, Алишер Навоий, Низомий Ганжавий каби бебаҳо ижодкорларнинг тафаккури маҳсули бўлган ноёб китоблар доимо иш столида туради. Уларни мунтазам varaқлаб тураман ва шу орқали ҳаётда тўғри қадам ташлашга, мавжуд муаммоларни ҳал этишга интиламан. Китобларда сирли куч бор. Ўзбекистон раҳбаридан халқнинг ҳар бир вақилини, айниқса, ёшларни китоб ўқишга давлат этаётгани учун чебиз миннатдорман. Зеро, ойдин йўللарда юриш учун китобдан яхши маёқ йўқ.

Дев БХАРДВАЖ,
Хиндистон китъалараро маданият ассоциацияси директори:

— Мамлакатнинг дунё цивилизацияси бешикларидан бири ҳисобланади. Халқингиз

кутубхонасида сақланаётган “Бобур девони” билан танишган инсон сифатида бунга ишончим комил. Бундан ташқари, ўзбек адиблари томонидан ўтган аср ва истиқлол йилларида бадиий қиммати баян, умумбашарий гоғлар кенг таралган этилган қўллаб асарлар яратилганидан хабарим бор. Юзлаб жаҳон адабиёти дурдоналари ҳам она тилингизга катта маҳорат билан таржима қилинган. Президентингиз ташаббуси билан мамлакатингизда ушбу асарларни ўқиш, умуман, китобхонлик алоҳида рағбатлантирилаётгани халқингизнинг янада зиёли бўлишига, аждодларга муносиб ворисларни камолга етказишга хизмат қилади.



илм-фан, адабиёт, маданият, санъат ва бошқа соҳаларда бебаҳо меросга эга. Бугунги кунда Хиндистондаги “Рампур”



ЧАО Гаи,
Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети талабаси (Хитой):

— Чинликларда шундай мақол бор: “Ёқутга сайқал берилмаса, мулкка айланмайди, одам ўқимаса, инсон бўлмайди”. Оиламиздаги муҳит туфайли бу нақл ҳаётини ширимга айланган. Кўнглимнинг китобга ошуфталиги, бугунги кунга қадар эришган муваффақиятларим асоси аслида шундан. Бўш вақтларимни, асосан, университет ҳудудида янги очилган ишлар ва кўркам кутубхонада ўтказаман. Очиги, ўзбекистонлик тенгдошларимга жуда-жуда ҳавасим келади.

Юртингизда китоб ўқиш, билим олиш учун яратилган шароитлар юксак эътирофга муносиб. Давлат амалдорларининг чекка ҳудудларга ташриф буюриб, ўқувчилар учун ўз хисобидан туҳфа қилаётган минглаб бадиий асарлар дейсизми, мамлакат миқёсида оммавий ўтказилган “Ёш китобхон” танловими ёки замонавий кутубхоналарнинг барпо этилиши — буларнинг барчасини сайқалланган ёқутга менгзаш мумкин.

«Халқ сўзи».

DOOSAN

«TOW Co., Ltd» қўшма корхонаси махсус қурилиш техникаларини таклиф қилади.

www.uztow.com

«Universal Services of Central Asia» хорижий корхонаси эҳтиёт қисмлар таъминоти ва сервис хизматларини кўрсатади.

Манзил: 100099, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Чинобод кўчаси, 87-уй
Тел.: 71-200-00-27 /28,
E-mail: doosansales@uztow.com

Аниқлик киритамиз: газетамизнинг шу йил 31 март сони 4-саҳифасидаги “Хорижда таълим олишни хоҳловчилар учун яна бир имконият яратилди” сарлавҳали мақоланинг биринчи хатбоши, бешинчи сатри “номзодларга инглиз тилини ўргатиш ўқув курслари ташкил этилмоқда”, деб ўқилсин.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ПРОФНАСТИЛ

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ қуйидаги маҳсулотларни тақдим этади:
гальванизацияланган ва полимер қопламали
ПРОФИЛАНГАН ЛИСТ
гофраси баландлиги: С-17, С-18, Н-35, Н-57.

Профнастил учун материал сифатида рулондан кесилган гальванизацияланган ва полимер маҳсулотдан фойдаланилади.
Россия Федерацияси металлургия комбинатларида ишлаб чиқарилган.

ГАЛЬВАНИЗАЦИЯЛАНГАН ПРОФНАСТИЛ

- 0,4 мм. — 42 600 сўм/п.м.
- 0,5 мм. — 50 400 сўм/п.м.
- 0,45 мм. — 45 600 сўм/п.м.
- 0,7 мм. — 70 200 сўм/п.м.

ПОЛИМЕР ҚОПЛАМАЛИ ПРОФНАСТИЛ

- RAL 3005, 6005, 8017 0,45 мм. — 55 200 сўм/п.м.
- RAL 3005, 6005, 8017 0,5 мм. — 62 400 сўм/п.м.

Тел.: 95-197-00-93, 90-996-96-63, 99-871-88-99.

Ўзбекистон Республикаси “Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси жамоаси уюшманинг Андижон вилояти бўлими бошқаруви раиси ўринбосари
Фаридахон Ўрмоновна АБДУРАҲМОНОВАнинг вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинлари-га чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги жамоаси агентликнинг Халқаро ахборот таҳририяти етакчи муҳаррири Фарҳод Эсоновга отаси **Эркин ЭСОНОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 456. 59 332 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни кўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Ёшлар 71-232-11-15.

Таҳририятга келган қўғамлар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунали расмийлаштирилган ташкилот жаобдор.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — Р. Шерқулов.
Мусахҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.30 Топширилди — 04.00 1 2 3 4 5 6